

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017. Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНҒАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НЕЪМАТОВА ЮЛДУЗ ОДИЛЖАНОВНА

**НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ ОЙКОНИМЛАРИНИНГ
ТАРИХИЙ-ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Неъматова Юлдуз Одилжановна

Наманган вилояти ойконимларининг тарихий-лисоний тадқиқи 3

Неъматова Юлдуз Одилжановна

Историко-лингвистическое исследование ойконимов Наманганской
области 25

Nematova Yulduz Odiljanovna

Historical and linguistic investigation of oyconyms of Namangan 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017. Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНҒАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НЕЪМАТОВА ЮЛДУЗ ОДИЛЖАНОВНА

**НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ ОЙКОНИМЛАРИНИНГ
ТАРИХИЙ-ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil192 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Одилов Ёрқинжон Раҳмоналиевич
филология фанлари доктори

Охунов Носиржон
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (+99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz.)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (99873) 244-71-28).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2018йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х. Ҳакимов

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси, филол. ф.д.

М.Т. Зокиров

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш котиби, филол. ф.н., доцент

А. Мамажонов

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида атоқли отларнинг салмоқли қисмини ташкил этувчи, «ернинг тили» деб қараладиган, халқнинг кўп асрлик тарихи давомида яратилган ноёб лисоний ва маданий-маърифий бойлик – топонимлар тилшунослик, тарих, география, археология, этнография, геология фанлари учун бой материал берувчи манба бўлгани боис доимо эътиборда бўлиб келган. Ҳозирги кунга келиб топонимлар, жумладан, ойконимлар тадқиқига социолингвистик, этнолингвистик, психолингвистик, прагматлингвистик, антропоцентрик, лингвокультурологик аспектда ёндашув борган сари ортмоқда.

Дунё тилшунослигида топонимика соҳаси ривож топган ва такомилга эришган илмий йўналиши ҳисобланади. Эндиликда жадал суръатлар билан ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан бойиб, такомиллашиб бораётган топонимик кўламнинг барча бирликларини, жумладан, аҳоли манзиллари – маҳалла, қишлоқ, шаҳарча ва шаҳарларнинг тарихи, географияси, табиати, аҳолининг этник таркиби ва бошқа жиҳатлар ҳақида бой лисоний маълумотлар берувчи ойконимик бирликларни янги лингвистик парадигмалар асосида тарихий ва замонавий аспектларда тадқиқ этиш кун тартибига қўйилди. Ойконимларнинг тарихий-лисоний тадқиқи тилнинг ва унинг ономастик тизими тараққиёти, шаклий ҳамда мазмуний такомиллини ўрганиш имконини бериши нуқтаи назаридан ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ўзбек тили топонимикаси анча ривожланган бўлса-да, Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари топонимияси, хусусан, Наманган вилояти ойконимияси лингвистик аспектда махсус ўрганилмаган. «Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак».¹ Бу фикрлар, албатта, ўзбек тилшунослигига ҳам тааллуқли. Ҳозирда ўзбек тилшунослиги, жумладан, топонимикаси олдига замонавий тараққиёт тамойилларига асосланган истиқлол даври топонимик сиёсати асосида янги тадқиқотлар яратиш вазифаси қўйилмоқда. Ойконимларнинг лексик-семантик, номинацион-мотивацион хусусиятларини ва ясаиш усуллари ҳамда моделларини социолингвистик, этнолингвистик тадқиқ этиш ана шундай вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарори ҳамда 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси талабларига мос равишда фаолиятга тегишли бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 20.

меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирга қадар ўзбек топонимикасида Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Жиззах, Самарқанд, Фарғона вилоятлари топонимияси анча чуқур ўрганилган, бироқ Наманган вилояти топонимлари, жумладан, ойконимлари тўла тўпланмаган, С.Қораев, А.Муҳаммаджонов, Н.Охунов, Н.Улуқов, А.Алиев, Т.Нуъмонов, Б.Турдалиев, А.Фахриддинов, С.Тулаков ва бошқаларнинг айрим тадқиқотларини эътиборга олмаганда, монографик тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилининг системавий тадқиқи» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Наманган вилояти ойконимларининг тарихий ва замонавий шаклларини, вариантларини тўплаш ҳамда уларни лисоний жиҳатларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

туркологияда, жумладан, ўзбек тилшунослигида ойконимия масалаларининг ўрганилишини таҳлил қилиш;

Наманган вилояти топонимияси, жумладан, ойконимияси тадқиқига доир ишларнинг таҳлилини бериш;

ҳудуд ойконимларини луғавий-маъновий таснифлаш, тарихий-этимологик, хронологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

ойконимик индикаторларнинг луғавий-маъновий хусусиятларини ёритиш ва улар асосида вилоят ойконимиясида шаклланган номлар ареалини, миқдорини белгилаш;

ҳудуд ойконимларининг структураси ва ясалиш моделларини изоҳлаш;

Наманган вилояти ва республиканинг бошқа ҳудудлари ойконимиясининг муштарак ҳамда фарқли жиҳатларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мустақил изланишлар, диалектологик экспедициялар жараёнида тўпланган 800 (такрор ва вариантлари билан 1000) дан зиёд Наманган вилояти ойконимлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Наманган вилояти ойконимларининг номинатив-мотивацион, луғавий-маъновий хусусиятлари, структураси ва ясалиш моделлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лингвистик тавсифлаш, номинацион-мотивацион, луғавий-маъновий, қиёсий-тарихий, этимологик, статистик, ареал таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ойконимларнинг аҳоли манзилларини номлаш, бошқаларидан ажратиш ҳамда фарқлаш каби ономастик вазифалари далилланган;

ойконимик кўламдаги ўзгаришларнинг жамият билан боғлиқ социо-лингвистик, ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий омиллари ёритилган;

ойконимларнинг номинацион-мотивацион: табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий асослари белгиланган;

ойконимлар семантик тараққиётининг лингвистик ва экстралингвистик омиллари асосланган;

маҳалла, қишлоқ, шаҳарча ва шаҳар номларининг этнолингвистик, ареал лингвистик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ойконимия бўйича тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар ҳозирги ўзбек тилшунослиги, хусусан, ономастикаси учун энг муҳим зарурий, илмий маълумот бериши, ўзбек тили ономастикаси бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши, лексикология, ономастика, диалектология, топонимика фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган;

ойконимлар тадқиқи натижалари топонимика бўйича изоҳли, имло луғатлари яратилишида материал ва манба сифатида хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда, хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг хулосалари ўзбек тили ономастикасини ойкионимлар ҳақидаги илмий қарашлар билан бойитади. Диссертациянинг тадқиқ усулларида бошқа ҳудудлар ойкионимиясини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги материаллар, натижа ва хулосалар ўзбек топонимикасига оид дарслик ва қўлланмалар ёзишда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Ўзбекистон топонимикаси бўйича махсус курслар, шунингдек, география факультетларида «Топонимика ва географик терминшунослик» фанини, тарих факультетларида «Тарихий ўлкашунослик», академик лицей ва мактабларда она тили дарсларида атоқли отлар, хусусан, жой номларига доир мавзуларни, тарих, география фанларини ўқитишда, «Наманган вилояти ойкионимлари изоҳли луғати»ни, «Наманган вилояти ойкионимик харитаси»ни тузишда манба ва материал вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Наманган вилояти ойкионимларининг лисоний тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар ҳамда тавсиялардан:

аҳоли манзилларининг атоқли номларининг деривацион хусусиятларини, ойконимларнинг ясалиш усуллари ва моделларини, оддий сўз ясалиши билан атоқли отлар ясалишига хос фарқли жиҳатларни ёритишга оид хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» номли фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 мартдаги 87-03-1075-сон маълумотномаси). Натижада атоқли отлар деривацияси билан боғлиқ *атоқли отларнинг ясаиш усуллари, ясалиш моделлари, ойконимларнинг ясалиш моделлари, ономастик конверсия, трансонимизация* каби терминларга доир изоҳлар ва таҳлиллар мукаммаллашган;

ойконимларининг лисоний тадқиқига доир материаллардан Наманган вилояти телерадиокомпаниясининг «Мафтункор ва бетакрор» рўқни остида эфирга узатилаётган «Ахсикент», «Мунчоктепа», «Муғ қалъаси», «Гирвон», «Ахси», «Шаҳанд», «Бекабод», «Бураматут», «Ғовасой», «Қайқи», «Гуртепа», «Қорақўрғон», «Тошқўрғон», «Карнон», «Балиқликўл» кўрсатувлари ҳамда FM-103.6 «Олтин замин» радиосининг «Қишлоғингиз тарихини биласизми?» эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Наманган вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 12 мартдаги 08-01-194-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришлар маърифий ва амалий жиҳатдан бойиган.

ойконимларнинг номинацион-мотивацион, табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий асосларига оид хулосалардан Наманган вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги топонимик комиссия томонидан вилоятдаги табиий-географик объектлар, хусусан, аҳоли манзиллари номини ўзгартириш, янгиларига ном бериш, тартибга солишда, тарихий номларни тиклашда, такрорий ва собиқ тузум билан боғлиқ қишлоқ, маҳалла номларини ўзгартиришда, ёзилишидаги имловий хатоларни бартараф этишда фойдаланилган (Наманган вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 03/12-807-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси топонимик сиёсатини бажаришга, худуд топонимларини, хусусан, ойконимларини маъновий, имловий жиҳатдан тартибга солишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, шундан, 6 та республика ҳамда 2 та хорижий журналларда мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва илова тарзида берилган Наманган вилояти ойконимларининг умумий рўйхатидан иборат бўлиб, 160 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ойконимиканинг назарий масалалари тадқиқи**» номли 1-боби 3 бўлимдан иборат бўлиб, «**Туркологияда ва ўзбек тилшунослигида ойконимиянинг назарий тадқиқи**» номли 1-бўлимида ойконимлар тушунчаси ва унинг доираси, кўлами, ойконимика соҳаси ўрганадиган илмий-назарий, амалий масалалар ёритилган.

Ойконим (грек. *oikos* – «тураржой» + *onoma* – «ном») шаҳар, шаҳарча, қишлоқ каби аҳоли манзилларининг атоқли отлари.² Ойконимлар илмий нуқтаи назардан икки турга бўлинади: 1) астионимлар; 2) комонимлар.

Астионим термини ҳам грекча бўлиб, «*шаҳар номлари*» деган маънони англатади. Топонимикага оид тадқиқотларда астионим терминига синоним сифатида **полисоним** (грекча *polis* – шаҳар – *onoma* – ном) термини ҳам қўлланади.

Комоним (грекча *komos* – овул, қишлоқ, шаҳарча (посёлка) + *onoma* – ном)лар – қишлоқ, аҳоли тураржойларининг атоқли номлари.³ Демак, ойконимлар сирасига қуйидаги жой номлари киради:

1) шаҳар номлари (астиионимлар ёки полисонимлар): *Наманган, Чортоқ, Поп, Чуст, Косонсой* (Нам. в.) каби;

2) шаҳарча номлари (комонимлар): *Ҳаққулобод, Ўнхаят, Чоркесар* (Нам. в.) каби;

3) қишлоқ номлари (комонимлар): *Довдуқ, Тўда, Сайрам, Қайқи, Ғайрат* (Нам. в.) каби;

4) маҳалла ва маҳалла фуқаро йиғинлари номлари: *Ишонч, Олвализор, Ахсикент, Ҳақиқат, Дамбоғ, Бўстон, Баҳор, Нуробод, Умид, Чорсу* (Нам. ш.) каби.

Ойконимлар тизимида ўзига хос даражаланиш мавжуд. Маҳаллалар мажмуи қишлоқ ёки шаҳарни ташкил этади. Т.Нафасов тўғри таъкилаганидек, кўрғону қалъа, работу истехкомлар, қишлоқларнинг бунёд бўлишига асос бўлганидек, қишлоқлар шаҳарларнинг пайдо бўлишига замин вазифасини ўтаган. Қишлоқлар каттариб, кенгайиб, бир-бирига қўшилиб, йирик кўрғонлар қурилиб, равон ва узун кўчалар бунёд этилиб, гузарлар маҳаллаларга айланиб, жамиси бир мажмуага бирикиб шаҳар мақомини олган.⁴

² Қаранг. Подольская. Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1978. – С.198; Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.23.

³ Қаранг. Подольская Н.В. Ўша луғат, 39-,66-,93-,112-бетлар.

⁴ Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Мухаррир, 2010. – Б.5.

Ойконимлар тил бирлиги ва маҳсули сифатида бир қатор лисоний хусусиятларга, яъни аталиш асосига, лексик-семантик, ясалиш, морфемик, грамматик хусусиятларга эга. Ойконимларга хос бундай лисоний белги-хусусиятлар **ойконимика** соҳасида ўрганилади.

Туркий топонимикада ҳам ойконимлар масаласи анчайин кенг ва чуқур ўрганилган. Озарбайжон ойконимлари тадқиқи ХХ асрнинг 70-йилларидан бошланди. Дастлаб А.Г.Гасанов, Р.А.Керимлиларнинг айрим ойконимларга доир мақолалари эълон қилинди.⁵

1960–1970 йилларда ўзбек тилшунослигида ҳам топонимик тадқиқотлар сезиларли даражада ривожланди. Ўзбек топонимикасининг шаклланиши ва тараққиётида Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, З.Дўсимов, Т.Нафасов, Т.Эназаров, Б.Ўринбоев, Н.Охунов, Ш.Қодирова, Т.Раҳматов, Л.Т.Каримова, Ё.Хўжамбердиев, Ж.Латипов каби олимларнинг хизматлари катта бўлди.⁶

З.Дўсимовнинг номзодлик диссертацияси ва у юзасидан эълон қилинган монографияси Хоразм топонимларининг шаклланиши, унинг тараққиёт босқичларини ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқот эди. Унда бир қатор жой номларининг, жумладан, ойконимларнинг тарихи ва этимологияси ҳақида фикр юритилди.

Ана шу йирик тадқиқотлар асосида ўзбек топонимикасининг тамал тоши қўйилди. Бу тадқиқотлар айнан ойконимлар тадқиқига бағишланмаган бўлса-да, топонимларни бошқа турлари доирасида ойконимлар ҳам тадқиқ этилди. Ўзбек тилшунослигида 80-йилларда ойконимлар тадқиқига бағишланган монографик ишлар ҳам яратилди. С.Найимовнинг 1984 йилда химоя қилинган номзодлик диссертациясида Бухоро вилояти ойконимларининг

⁵ Гасанов А.Г. О некоторых искажениях в написании ойконимов Азербайджанской ССР // Материалы научной конференции, посвященной изучению топонимии Азербайджана. – Баку: Элм, 1973. – С.104-106; Керимли Р.А. Некоторые замечания об азербайджанских ойконимах // Материалы научной конференции, посвященной изучению топонимии Азербайджана. – Баку: Элм, 1973. – С.82-83.

⁶ Каранг. Хасанов Х. Ценный источник по топонимике Средней Центральной Азии. // Топонимика Востока. – М, 1962. – С. 31-36; Ўша муаллиф. Историко-топонимическая схема Средней Азии // Топонимика Востока. – М, 1969. – С. 156-161; Ўша муаллиф. Беруний асарларида топонимика // Беруний ва ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1973. – Б. 125-128; Ўша муаллиф. Ер тили. – Тошкент, 1977; Караев С. Опыт изучения топонимии Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Ўша муаллиф. Ойконимия Узбекистана: Диссертация на соискание ученой степени доктора географических наук в форме научного доклада. – Ташкент, 1998. – 50 с.; Дусимов З. Топонимы Северного Хорезма: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1970. – 20 с.; Дусимов З. Историко-лингвистический анализ топонимии Хорезма: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1996. – 52 с.; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – 24 с.; Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: лугавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006.; Ўша муаллиф. Топонимлар этимологик тадқиқининг илмий-назарий ва амалий-усулий асослари (I китоб). – Тошкент, 2001.; Туркий содда топонимларининг этимологик тадқиқи (II китоб). – Тошкент: Университет, 2002. – 4,1 б.т. Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах, 1992. – 54 б; Ўша муаллиф. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳли лугати. – Самарқанд, 1997. – 202 б; Охунов Н. Топонимия Кокандской группы районов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1978. – 23 с.; Кадырова Ш.М. Микротопонимы Ташкента: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1970. – 28 с.; Каримова Л.Г. Топонимы североузбекских говоров: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 24 с.; Худжамбердиев Я. Историко-этимологическое исследование топонимии Сурхандарьинской области: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973. – 25 с.; Рахматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М, 1973. – 31 с.; Библиограф. – С. 36-37; Латипов Дж. Топонимия города Маргилана и его окрестностей (лингвистический анализ): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975. – 36 с. ва бошқалар.

номланиш хусусиятлари, лексик-семантик, грамматик жиҳатлари ёритилган.⁷ М.Н.Рамазонова эса 1986 йилда Тошкент вилояти ойконимлари тараққиётига доир номзодлик диссертациясини⁸, 1998 йилда С.Қораев география фанлари бўйича Ўзбекистон ойконимиясига доир докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.⁹

Ўзбек тилшунослигида республикаимиз ойконимлари тадқиқи борасида Н.Охуновнинг фаолияти алоҳида ўрин тутди.¹⁰

Бобнинг «**Наманган вилояти топонимиясининг тарихий манбалари**» номли 2-бўлимида тарихий, географик асарлардаги ҳудудга доир топонимик материаллар таҳлили берилди.

Фарғона водийси, жумладан, Наманган вилояти географик номлари ҳақидаги илк ёзма манба «Худуд ул-олам» (X аср) асаридир. Шунингдек, Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Муқаддасийнинг «Аҳсан ат-тақосим», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Исоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарлари Наманган вилояти топонимияси, хусусан, ойконимиясининг тарихий манбаларидир.

Араб географи ва сайёҳи Муқаддасийнинг «Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим» («Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши кўлланма») номли асарида Фарғона водийсидаги 40 шаҳар қаторида *Ахсикат*, *Косон*, *Боб (Поп)* шаҳарлари ҳам тилга олинган.¹¹ Бу ҳозирги Ахсикент, Косонсой, Поп ойконимлари қадимий ва тарихийлигидан далолат беради.

Муаллифи номаълум «Китоб худуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб» (982-983) асарида ҳам Наманган вилоят топонимиясига мансуб *Хатлом* (ҳозирги Норин) дарёси, *Боб* (ҳозирги Поп), *Ахсикат* каби тарихий топонимлар кузатилади. Китобнинг «Дарёлар ҳақида сўз» номли қисмида *Хатлом* дарёсига қуйидагича изоҳ берилади. «Яна бири Хатлом дарёси. Монисо тоғидан, Халлух ва Яғмо ўртасидаги чегарадан бошланади. Хатлом шаҳридан оқиб ўтиб, Боб яқинигача боради ва Ўзганд дарёсига қуйилади».¹² Бу ўринда келтирилган *Боб* – ҳозирги Поп шаҳри, Поп туманининг маркази. Шунингдек, китобнинг бошқа ўринида мазкур шаҳарга оид қуйидаги қайд кузатилади: «Кашўкас, Поб – иккита обод шаҳарча, экинзорлари кўп.

Мазкур шаҳарлар барчаси Фарғона ноҳиятига мансуб».¹³

Демак, мазкур манбада ҳозирги *Поп* ойконими *Боб*, *Поб* каби вариантларда учрайди.

⁷ Қаранг. Найимов С. Ойконими Бухарской области: Диссертация канд.филол.наук. – Ташкент, 1984. – 240 с.

⁸ Рамазонова М.Н. Развитие ойконимии Ташкентской области в сов.период: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 24 с.

⁹ Қораев С. Ойконимия Узбекистана: Автореф. дисс. ... докт. географических наук. – Ташкент, 1998. – 50 с.

¹⁰ Қаранг. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989. – 59 б.; Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 85 б.; Топонимия Кокандской группы районов): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1978. – 23 с.; Кўкон группа районларининг топонимлари. – Ўзбек тилшунослигининг айрим масалалари. – Тошкент, 1979. – Б.99-105; Баъзи бир географик терминлар асосида вужудга келган топонимлар. – Тилшунослик масалалари. – Тошкент, 1979. – Б.158-163; Жой номларига яширинган маъно // Тил ва адабиёт таълими, 1999, №1. – Б.26-30.

¹¹ Бу ҳақида қаранг. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – Б.122-123.

¹² Худуд ул-олам. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – Б.64.

¹³ Ўша асар, 16-б.

Рисоланинг «Мовароуннахр ноҳияти ва ундаги шаҳарлар ҳақида сўз» қисмида ҳозирги Ахсикент ойконими *Ахсикат* шаклида берилиб, қуйидагича изоҳланган: «Ахсикат – Фарғонанинг қасабаси, амир ва масъул аъёнларнинг қароргоҳи эрур; катта шаҳар, Хашарт дарёси бўйида жойлашган; тоғ этагида».¹⁴ Хашарт айнан ҳозирги Сирдарё.

Китобни Х асрда ёзилганлигини эътиборга олинса, Наманган вилояти топонимиясига мансуб *Поп*, *Ахси* ойконимларининг қадимийлиги, тарихийлиги англашилади.

Бобурнинг «Бобурнома» асарида *Ахси* (Ахсикат), *Архиён* (ҳозирги Айқирон), *Косон* (ҳозирги Косонсой шаҳри), *Санг*, *Гунбази Чаман*, *Карнон*, *Ғаво* (ҳозирги Ғова), *Поп*, *Навканд* (ҳозирги Навкент), *Пошхорон // Бишхорон* (ҳозирги Пешқўрғон), *Норин* каби ойконимлар келтирилган. Мазкур асар вилоят топонимиясига оид айрим ойконимларнинг тарихий шаклларини, этимологиясини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.¹⁵

Бобнинг «**Наманган вилояти топонимлари ва ойконимлари тадқиқи**» номли бўлимида худуд топонимияси, жумладан, ойконимиясининг ўрганилиши таҳлил қилинди.

Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарининг «Таърихи Намангон» номли бобида *Наманган*, *Сардоба*, *Лаббайтоға*, *Дегрезлик*, *Тўрақўрғон* ойконимлари хусусида тарихий нуқтаи назардан фикр юритилган. Шунингдек, олимнинг мазкур асарида таҳлил қилинмаган бўлса-да, *Чуст*, *Чортоқ* ойконимлари ҳам тилга олинган. Ибратнинг топонимик таҳлиллари асосан халқ этимологиясига асосланади. Айрим топонимлар, жумладан, *Лаббайтоға*, *Чуқуркўча*, *Тўрақўрғон* топонимлари изоҳи анча мантиқли бўлса-да, *Косон* (ҳозирги Косонсой), *Наманган* ойконимларига оид қарашлар мунозарали.

Наманган вилояти топонимияси тарих, география, қисман, тилшунослик фанлари нуқтаи назаридан ўрганилган. Чунончи, Наманган вилоятининг сиёсий-маъмурий харитаси яратилган¹⁶, географияси, тарихи, иқтисодиётига оид ишлар ёзилган.¹⁷ Айниқса, Наманган вилоятининг географик тарихи, иқтисодий географияси чуқур ўрганилган.¹⁸ Ё.Узоқов, А.Алиев томонидан Наманган вилояти топонимиясига оид айрим жой номлари этнонимлар ва антропонимлар асосида вужудга келган топонимларга ажратиш асосида лексик-семантик, грамматик жиҳатдан ўрганилган.

Б.Турдалиев, Т.Нуъмонов, А.Ҳайдаровлар томонидан Наманган вилояти топонимиясига оид салмоқли материаллар тўпланган ва алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. Китоб сўнгида Наманган вилояти жой номларининг ўзбекча-русча-инглизча сўзлиги ҳам берилган,¹⁹ бироқ бунда вилоят

¹⁴ Ўша асар, 15-б.

¹⁵ Қаранг. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 336 бет + 32 бет зарварак.

¹⁶ Наманганкая область (справочная политикоадминистративная карта). – Ташкент, 1996.

¹⁷ Наманган вилояти // Ўзбекистон вилоятлари, Қорақалпоғистон (маълумотнома). – Тошкент: Комуслар Бош таҳририяти, 1995. Б.147; Абдуллаев О. Наманган вилояти (табиати, аҳолиси, хўжалиги). – Наманган, 1995. – Б. 49-57.

¹⁸ Қаранг. Акрамов З.М. Наманганская область. Историко-географический очерк. – Ташкент, 1954; Ўша муаллиф. Наманганская область. Экономико-географический очерк. – Ташкент, 1955.

¹⁹ Қаранг. ТурдалиевБ., НуъмоновТ., Ҳайдаров А. Наманган вилояти топонимларидан материаллар. – Наманган, 1995. – Б. 105-121.

топонимлари, жумладан, ойконимлари тўла ифодасини топмаган. Мақсад-моҳиятига кўра айнан Наманган вилояти топонимлари, жумладан, ойконимлари тадқиқига бағишланган бўлмаса-да, С.Қораев, Т.Нафасов, Н.Охунов каби олимларнинг ишларида ҳам айрим ойконимлар ўрганилган.

Наманган вилояти топонимияси, хусусан, ойконимиясининг ўрганиш борасидаги тадқиқотлар таҳлилидан кўринадики, ҳудуд ойконимияси айрим мақола ва тарих, география соҳасидаги ишларни эътиборга олмаганда, жиддий монографик аспектда ўрганилмаган, ҳатто тўла тўпланмаган.

Ойконимлар тилнинг ономастик қатламида бошқа топоним турларига нисбатан салмоқли ўрин тутди ҳамда кундалик мулоқотда, расмий доираларда фаол қўлланиши, ижтимоий-сиёсий омиллар таъсирида тез ўзгарувчанлиги билан характерланади.

Ойконимлар ўзи номлаётган ҳудуд аҳолисига хос этник, ижтимоий-иқтисодий, маданий, лисоний, хусусан, диалектал маълумот ва ахборотларни ифодалаш, даврлардан-даврларга, авлоддан-авлодга ташиши билан муҳим аҳамият касб этади.

2-бобда «**Наманган вилояти ойконимларининг лексик-семантик таснифи ва тавсифи**» берилди. Унинг «**Наманган вилояти ойконимиясидаги ўзгаришларнинг социолингвистик таҳлили**» номли бўлимида ҳудуд ойконимиясидаги лисоний ўзгаришлар ёритилган.

Вилоят республиканинг шарқида, Фарғона водийсининг шимоли-ғарбий қисмида Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари олдида жойлашган.

Таркибида 11 қишлоқ тумани: *Косонсой, Мингбулоқ, Наманган, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Янгиқўрғон*; 8 та шаҳар: *Наманган, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Ҳаққулобод*; 12 та шаҳарча: *Жомашўй, Навбахор, Олтинкон, Оқтош, Тошбулоқ, Уйчи, Уйгурсой, Учқўрғон, Чоркесар, Ўнҳаят, Халқобод, Янгиқўрғон* қишлоқлар бор.²⁰ «Наманган вилояти» қомуси учун тузилган сўзликда қайд этилишича, мустақилликнинг илк йилларида Мингбулоқ туманида 24 та, Косонсой туманида 58 та, Наманган туманида 47 та, Норин туманида 50 та, Поп туманида 70 та, Тўрақўрғон туманида 56 та, Уйчи туманида 84 та, Учқўрғон туманида 14 та, Чортоқ туманида 30 та, Чуст туманида 58 та, Янгиқўрғон туманида 83 та, жами 575 та қишлоқ бўлган.²¹

Бу Наманган вилояти топонимияси ойконимларга бойлигини кўрсатади. Биз мустақил изланишлар жараёнида Наманган вилояти ойконимиясига мансуб 403 та қишлоқ, 773 маҳалла (423 та шаҳар ва 335 та қишлоқ маҳаллалари), 7 та шаҳар номларини тўплдик.

Социолингвистик нуқтаи назардан қараганда, номланиш ҳам лингвистик ҳодиса саналади. Бинобарин, топонимларнинг пайдо бўлиши, турғунлашиши, ёки аксинча, алмашиниши, маъносида турлича ўзгаришларнинг содир

²⁰ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси (энциклопедик маълумотнома). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б.104.

²¹ Наманган вилояти қомуси сўзлиги. – Наманган, 1992.-Б. 14-33. Изоҳ: Мазкур китоб лойиҳалигича қолиб кетган.

бўлиши жамият тақдири билан боғлиқ бўлади. Ҳар қандай топонимик ўзгариш жамиятда амалда бўлган тил қонуниятлари доирасида содир бўлади.

Республикадаги табиий-географик объектларга ном бериш, улар номини ўзгартириш, янги объектларга ном бериш босқичма-босқич амалга оширила бошланди. Бу тадбирларнинг қабул қилиниши ва амалга ошишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номини тартибга солиш тўғрисида» 1996 йил 31 майда қабул қилинган қарори ва 203-сонли қарори бўйича Тавсиялари (1996 йил 31 июль), шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги Қонуни муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу борада Наманган вилояти ҳокимлиги, туман ҳокимликларидаги топонимик комиссиялар томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Улар куйидагиларда яққол кўринади:

1. Вилоятлар, туманлар топонимик комиссиялари мунтазам иш олиб борди ва бормоқда.

2. Тарихий аҳамиятга молик номларни тиклаш, эски тузум билан боғлиқ номларнинг жойлардаги сақланиб қолган қолдиқлари тугатилди.

3. Жойларга шахслар номини бериш борасида ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган меъёрларга амал қилинди.

4. Жойларга кишилар номларини беришни чеклаш бўлди. Ушбу муносабат билан жойларга авваллари шошилиш равишда қўйилган ва киши номларидан иборат бўлган топонимларни жойнинг табиий-географик ҳолатини ифода этадиган, истиқлол мафқурасига жавоб берадаган номлар билан алмаштирилди, бир қанча ҳудудларнинг олдинги тарихий, қадимий номлари тикланди. Масалан, *Найманча* (аввалги О.Жўрабоев кўчаси), *Лаишкар* (аввалги Т.Шерматов кўчаси), *Олтиоғайни* (аввалги И.Набиев кўчаси), *Олчинмозор* (Тўра.т. аввалги М.Ҳақназаров кўчаси), *Чуқуркўча* (Тўра.т. аввалги С.Будёний кўчаси), *Аргамчилик* (Тўра.т. аввалги Р. Тўрабоев кўчаси), Булоқбоши (Чор. т. аввалги С.Раҳимов кўчаси), *Қирққиз* (Чор. т. аввалги Ҳ.Олимжон кўчаси), *Султонсаид* (аввалги С.Раҳимов кўчаси), *Эшонкўча* (аввалги У.Юсупов кўчаси), *Янгитонг* (Нор. т. аввалги У.Юсупов МФЙ), *Обод* (Тўра.т. аввалги Ғалаба МФЙ) каби.

5. Вилоят ҳокимининг 2008 йил 3 мартдаги 53-сонли қарорига асосан 200 дан зиёд объектлар қайта номланди. Масалан,

Мингбулоқ тумани бўйича: Ғалаба кўчаси Узумзор, Стадион кўчаси Чароғон, М. Аҳмедова кўчаси Янгидавр, Т. Усмонов кўчаси Эзгулик;

Наманган тумани бўйича: Вайсинов кўчаси Серфайз, Лагерь кўчаси Оромгоҳ, С. Будёний кўчаси Чуқуркўча (тарихий номи);

Уйчи тумани бўйича: Ғалаба МФЙ Оқтош МФЙ, Иттифоқ МФЙ Обод МФЙ;

Учқўрғон тумани бўйича: Охунбобоев МФЙ номи Ёркинҳаёт, ХБК-17 кўчаси Тўқимачи;

Чортоқ тумани: Охунбобоев кўчаси Раззоқ бахши, У.Юсупов кўчаси Толкўча деб қайта номлангани каби.

6. Жой номлари тизимидаги такрорийлик масалалари кўриб чиқилди ва бунга барҳам берилди.

Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси Мажлисининг 2009 йил 21 августдаги 07-5-30-сонли йиғилиши қарорига асосан вилоятнинг айрим туманларидаги такрорий жой номлар қуйидагича ўзгартирилди:

– Поп тумани ҳудудидаги Исковут (такрорий) шаҳарчаси Қўриқобод шаҳарчаси;

– Уйчи тумани ҳудудидаги Ахси (такрорий) шаҳарчаси Юксалиш шаҳарчаси;

– Янгикўрғон тумани ҳудудидаги Сангистон (такрорий) шаҳарчаси Хуррият шаҳарчаси каби.

Наманган вилояти топонимиясида ойконимларнинг вариантдорлиги ҳам кузатилади. Ойконимлар вариантдорлигини қуйидаги кўринишларини ажратиш мумкин:

I. Ойконимларнинг тарихий вариантдорлиги. Тарихий вариантдорлик тилнинг эволюцион жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, айрим ойконимларгагина хос. Ойконимларнинг тарихий вариантлари миқдоран анча чекланган. Худуд ойконимларининг тарихий вариантлари асосан тарихий асарларда учрайди. Чунончи, Чортоқ туманидаги *Пешқўрғон* ойконими «Бобурнома»да 4 ўринда *Пишхорон* шаклида берилган: «*Ора қўнуб, Пишхорон навоҳисига келдик. Пишхорон қўрғонига Табалнинг кишиси келиб кирган экандур*».²² Шунингдек, «Бобурнома»нинг сўнгги нашрида кўрсатилишича, асарнинг Қозон (А.Илминский. Бобурнома. – Қозон, 1857), Эденбург кўлөзма нусха (Шотландия миллий кутубхонаси (MS. ADV.18.3.18)ларида мазкур ойконим *Бишхорон* шаклида учрайди.²³

II. Ойконимларнинг адабий ва диалектал вариантдорлиги. Наманган шевалари таъсирида ойконимларнинг диалектал вариантлари юзага келган: *Паромон // Поромон; Айқирон // Ойқирон; Намангон // Намонгон // Наманган; Караскан // Короскон; Работ // Работ* каби.

Худуд ойконимиясидаги вариантдорлик қарлуқ ва кипчоқ лаҳжасининг хусусиятлари таъсирида юзага келганлиги таҳлил қилинди.

Вариантдор ойконимларни вариантлари миқдorigа кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) икки вариантли ойконимлар: *Ўнхоят // Ўнҳаёт; Косон // Косонсой; Навкент // Навкат, Калишоҳ // Калишо, Марғизор // Марғузор, Учуйли // Учуйлик;*

²² Қаранг. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.74.

²³ Қаранг. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Ўша асар, 74-б.

2) уч вариантли ойконимлар: *Архиён // Айқирон // Ойқирон; Намангон // Номонгон // Наманган; Ахси // Ахсикат // Ахсикент; Поромон // Парамон // Пормон, Машад // Машат// Маишад* каби.

Номлаш жараёнида ойконимлар оппозицияси юзага келади. Ўзбек тили ойконимларида оппозициянинг бинар, тринар ва бошқа турлари кузатилади. Топонимларга, жумладан, гидронимларга хос бинар оппозиция ходисаси ҳақидаги назарий қарашлар А.С.Стрижак, В.Д.Бонделатов, Н.Охунов, Н.Улуқов тадқиқотларида кузатилади.²⁴

Ойконимлардаги оппозициянинг юзага келиш омилларига кўра уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Жойнинг ҳажм хусусиятига кўра юзага келган оппозиция. Бунда объектнинг ҳажми – катта-кичиклиги, узун-қисқалиги эътиборга олинади. Ойконимларнинг бу гуруҳи, асосан, ҳажм тушунчасини англаувчи сифатлар асосида юзага келган: *Катта Қурама – Кичик Қурама, Катта Қўрғонча – Кичик Қўрғонча* (Тўра. т.), *Катта Тошбулоқ – Кичик Тошбулоқ* (Нам. т.) каби.

2. Жойнинг ўрнига кўра юзага келган оппозиция. Оппозициянинг бу тури объектнинг ўрнини ифодаловчи *юқори, қуйи, ўрта, паст* каби сўзлар асосида ҳосил бўлади. Шу боис бу типдаги оппозициянинг қандай антоним сўзлар асосида юзага келишига кўра қуйидаги турлари кузатилади: *Юқори Ғирвон, Ўрта Ғирвон, Қуйи Ғирвон* (Нам. т.), *Юқори Карнон, Қуйи Карнон* (Чуст. т.), *Юқори Чўжа, Пастки Чўжа* (Нор. т.) каби.

3. Жойнинг пайдо бўлиш вақтини эътиборга олиш асосида юзага келган оппозиция. Оппозициянинг бу тури асосан аҳоли манзилени бунёд этилиш пайтини ифодаловчи *эски, янги* сифатлари асосида юзага келади: *Эски Гулбоғ, Янги Гулбоғ* (Минг.т.), *Эски Хўжаобод, Янги Хўжаобод, Эскиқишлоқ, Янгиқишлоқ* (Поп т.) каби.

Далиллар таҳлилидан кўринадикки, Наманган вилояти ойконимиясида оппозициянинг бинар кўриниши кўпроқ, тринар ва бошқа турлари эса камроқ кузатилади: *Юқори Ровустон, Ўрта Ровустон, Қуйи Ровустон* (Нам. т.) каби.

Тадқиқотнинг «**Наманган вилояти ойконимларининг номинатив-мотивацион хусусиятлари ва лексик-семантик таснифи**» номли бўлимида ойконимларнинг номланиш тамойиллари, хусусиятлари ёритилди ва уларнинг луғавий-маъновий таснифи берилди.

Ном бериш жараёни ўзининг қонуниятларига эга, чунки номлардан фойдаланиш одамлар орасидаги муносабатларни таъминлайди, оғзаки ва ёзма ахборотда объектларни бирхиллаштириш (бир шаклга келтириш) имконини беради. Е.М.Поспелов тўғри қайд қилганидек, ҳар бир жой номининг биринчи ва асосий вазифаси объектни номлаш, унинг атрофдаги бошқа бир хил объектлардан фарқлаш ҳисобланади.²⁵ Ойконимларда объектни

²⁴ Стрижак А.С. Гидронимия Среднеднепровского левобережья: Автореф.дисс.... канд. филол. наук. – Киев, 1965. – С. 4; Бонделатов В.Д. Русская ономастика. – Москва: Просвещение, 1983. – Б. 60-61; Охунов Н. Топонимлардаги бинар оппозиция ходисаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – № 2. – Б. 57-60.

²⁵ Поспелов Е.М. Топонимика в школьной географии. – М: Просвещение, 1981. – С.143.

яккалаб, алоҳидалаб аташ етакчи ўрин тутади. Шу сабабли уларда аташ, фарқловчилик вазифаси етакчилик қилади.

Наманган вилояти ойконимларини дастлаб номланиш мотивларига кўра қуйидаги икки турга ажратиш мумкин:

1. Табиий-географик ойконимлар.
2. Иқтисодий-ижтимоий ойконимлар.

Жойларни, жумладан, аҳоли манзилларини номлашда ҳудуднинг табиий-географик хусусиятлари асосга олинувчи бирламчи ва етакчи мотив ҳисобланади. Бунда жойнинг табиий-географик хусусиятининг акс эттирувчи тушунчаларнинг конкретлашуви ва индивидуаллашуви юз беради.

Табиий-географик ойконимлар ўз ичида қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

Геоморфологик ойконимлар. Ер тузилиши, сатҳи билан боғлиқ тарзда номланган аҳоли яшаш манзиллари геоморфологик ойконимлардир. Демак, геоморфологик ойконимлар ернинг геоморфологик хусусиятларини мотивга олиш асосида номланган аҳоли манзилларининг номларидир. Айрим илмий манбаларда бундай ойконимлар ороойконимлар термини остида ўрганилади. Бироқ бу типдаги номларни хусусиятларини ороойконимларга нисбатан геоморфологик ойконимлар термини мукамалроқ ифодалайди. Шу боис биз геоморфологик ойконимлар терминини қўлладик.

Наманган вилояти ойконимияси доирасида ҳам бир қанча геоморфологик ойконимлар кузатилади: *Яндама* (Тўра. т.), *Тошлоқ* (Нор. т.), *Қорачўққи* (Чор. т.), *Тошқўрғон* (Чуст т.), *Қизилёзи* (Янги. т.) каби.

Вилоят геоморфологик ойконимларини қандай сўзлар асосида шаклланганлигига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- 1) жар сўзи воситасида: *Навжартепа*, *Жар* (Косон. т.) каби.
- 2) тепа сўзи воситасида: *Гуртепа* (Минг. т.), *Учтепа* (Нор. т.), *Дўнартепа* (Косон. т.), *Кўштепа*, *Ясситепа* (Уйчи т.), *Қизилтепа* (Чуст т.), *Семизтепа*, *Тепа*, *Тепақўрғон*, *Қоратепе* (Нам. т.), *Бўритепе* (Нор. т.), *Тепақўрғон* (Поп т.) каби.
- 3) ёр сўзи воситасида: *Ёрбоши*, *Ёркатай*, *Ёрмаҳалла*, *Ёрқўрғон* (Уйчи т.), *Ёртепа* (Тўра. т.), *Кесканёр* (Чор. т.), *Ёрқишлоқ* (Чуст т.) каби.
- 4) дашт сўзи воситасида: *Дашт* (Чуст т.). Наманган вилояти топонимиясида *дашт* сўзи асосида шаклланган шу биргина ойконим кузатилади.

Гидроойконимлар. Тилнинг топонимик тизими доирасида трансонимизация асосида бир жой номи иккинчи бир жой номига ўтади. Жумладан, сув объекти номи – гидроним қишлоқ, шаҳарча, шаҳар номига – ойконимга ўтиши ҳам мумкин. *Дарё*, *канал*, *кўл*, *сой*, *булоқ*, *ариқ*, *қудуқ* ва бошқа сув объектларининг атоқли номлари гидронимлар асосида юзага келган аҳоли тураржойлари номлари гидроойконимлардир. Масалан, *Шўрбулоқ* (Чуст, Чор.т.), *Булоқ* (Косон.т.), *Катта Тошбулоқ*, *Кичик Тошбулоқ* (Нам. т.), *Бекбулоқ*, *Сутбулоқ* (Янги. т.) *Уйгурсой* (Поп т.), *Косонсой* (Косон.т.), *Жабборсой* (Поп т.), *Резаксой* (Чуст т.) каби.

Зоойконимлар. Қишлоқ, шаҳарча ва шаҳарларни номлашда ҳайвон, парранда ва бошқа жозотларнинг номлари ҳам асос қилиб олиниши ҳам мумкин. Топонимикага оид илмий манбаларда бундай жой номларини

зоотопонимлар деб атайдилар.²⁶ Наманган вилояти ойконимиясида ҳайвон, жонзот ва парранда номлари билан аталган қуйидаги бир нечта ойконим кузатилади: *Қуш* (Мингбулоқ т. Гуртепа қ.), *Бўритена* (Норин т. Пахта қ.), *Какликқўрғон* (Чуст т. Шўркент қ.) каби.

Фитоойконимлар. Ойконимларнинг бир гуруҳини ўсимлик ва дарахт номлари асосида яратилган номлар ташкил этади. Бундай ойконимларни илмий адабиётларда фитоойконимлар деб юритилади.²⁷

Наманган вилояти фитоойконимларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

I. Ўсимлик номлари билан аталган тураржой номлари: *Қораянтоқ* (Янги. т.), *Ертикан* (Тўра. т. Сайрам қ.), *Қоратикан* (Уйчи т.), *Курмак* (Нам. т. Хонабод қ.), *Қизилқийёқ* (Янги. т.), *Каноли* (Поп т.) каби.

II. Дарахт номлари билан аталган тураржой номлари:

1) манзарали дарахт номлари билан аталган тураржой номлари: *Қўшқайрағоч*, (Тўра. т. Ахси қ.), *Беиштол* (Янги. т.), *Терак* (Минг. т.), *Чинор* (Поп т. Найман қ.), *Мажнунтол* (Тўра. т.), *Қайрағочовул* (Минг. т.);

2) мевали дарахт номлари билан аталган тураржой номлари: *Жийда маҳалласи* (Чуст т.; Косон. т.), *Яккатут маҳалласи* (Уйчи т.; Поп т.), *Бураматут шаҳарчаси* (Тўра. т.) каби.

Бобнинг «**Иқтисодий-ижтимоий ойконимлар ва уларнинг лексик-семантик хусусиятлари**» бўлимида ижтимоий-иқтисодий омиллар асосида юзага келган аҳоли манзилларининг номлари таҳлил қилинди.

Аҳоли масканларини номланишида халқнинг иқтисодий турмуш тарзи – шуғулланувчи касб-кори, хўжалик фаолияти муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий-ижтимоий ойконимлар ўз ичида қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Этноойконимлар.

2. Антропоойконимлар.

3. Аҳолининг касб-кори, хунарига нисбат бериш асосида шаклланган ойконимлар.

4. Аҳолининг ёки алоҳида шахсларнинг ижтимоий мавқеи, насл-насабига нисбат бериш асосида юзага келган ойконимлар.

5. Агиоойконим ва некроойконимлар.

Наманган вилояти этноойконимлари. Аҳоли масканларини шу ерда яшаган уруғ-қабилла, элат номи билан аташ кенг тарқалган. Этноойконимлар маълум этник гуруҳга тегишли, уларга алоқадор аҳоли манзилларини билдиради: *Арбағиш* (Чор. т.), *Сарой* (Тўра. т.), *Қипчоқ* (Учқўр. т.), *Қорамурт*, *Қирғизқўрғон*, *Чўмбағиш*, *Ялонғоч*, *Тўда*, *Сарт* (Янги. т.), *Ёвкесак*, *Думор*, *Жалойир* (Нор.т.), *Каттаяйдоқ*, *Ўлжатаўни* (Учқўр.т.), *Олчин* (Тўра.т.), *Тўда* (Поп, Нор. т.), *Урганжи* (Нам. т.), *Чўнбағиш* (Чор.т.), *Чимбой*, *Қизилтов*, *Қорақушчи* (Нор. т.), *Элатон* (Уйчи, Учқўр., Янги. т.) каби.

²⁶ Қаранг. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б.213.

²⁷ Қаранг. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.21.

Наманган вилояти антропоойконимлари. Антропонимлар – киши номлари, лақаблари, тахаллуслари, фамилияларидан ҳосил қилинган аҳоли манзил-ларининг номлари антропоойконимлар (грек. *anthropos* – одам + *oukos* – тураржой + *onima* – ном) деб аталади.²⁸

Антропонимларнинг топонимга айланиши бир қанча экстралингвистик омиллар асосида содир бўлган. Антропонимлар ойконимлар тизимига ўтар экан, ўзи номлаётган аҳоли манзилларини фарқловчи, бошқа тураржойлардан ажратувчи лисоний аниқловчи – атрибут вазифасини бажаради. Бунда шахс ва объект муносабати муҳим роль ўйнайди. Жой номлари, умуман олганда, тил луғавий бойлиги сифатида яшовчан ва турғундир. Аммо, афсуски, шу билан бирга, улар тарихий шароитга кўра ўзгарувчандир. Бу хусусият аслида топонимиянинг лисоний табиатидан келиб чиқмайди. Топонимиядаги бундай ўзгаришларни тарихий шароитнинг ўзгариши, сиёсий тузумнинг алмашинуви, айниқса, чет эллик босқинчиларнинг зўравонлиги, «топонимик зуғуми» юзага келтиради.²⁹

Антропоойконимлар Наманган вилояти ойконимиясида кўп эмас. 1990 йилларга қадар вилоят топонимиясида собиқ шўро ҳукумати раҳбарлари, даҳолари номи билан аталган *Ильич* (Минг. т.), *Куйбишев*, *Охунбобоев* (Нам. т.), *Ленинбод*, *Усмон Юсупов* (Нор. т.), *Ленин* (Чор.т.), *Киров* (Тўра. т.), *Ленинбод* (Янги. т.), *Жданов* (Косон. т.), *Карл Маркс* (Уйчи шаҳарчаси), *Крупская*, *Ленинбод*, (Уйчи т. Ёрқўрғон қ.), *Дмитров* (Янги. т.), *Фрунзе* (Поп т.)³⁰ каби қишлоқ номлари мавжуд эди. Мазкур антропо-ойконимлар халқ анъаналарига, кадриятларига, жойларни номлашга қўйиладиган талаб ва мезонларга зид номлар, сунъий номлар сифатида истеъмолдан чиқиб кетди.

Аҳолининг касб-кори, ҳунарига нисбат бериш асосида шаклланган ойконимлар. Қишлоқ, шаҳарча, шаҳарларни номлашда кўпинча маҳаллий аҳолининг касб-кори, машғулоти, ҳунармандчилиги ҳам асосга олинади. Наманган вилоятида *Читгар* (Косон. т.), *Соҳибкор* (Нор. т., Чор.т.), *Этикдўз*, *Дўзанда* (Чуст т.) каби бир неча шундай ойконимлар мавжуд.

Қишлоқ аҳолиси ёки алоҳида шахсларнинг ижтимоий мавқеи, насл-насабига нисбат бериш асосида юзага келган ойконимлар. Давлат тузилиши, ижтимоий-сиёсий тузум, мансаб ва мавқе, диний унвонлар асосида яратилган ойконимлар учрайди: қишлоқ номлари: *Хўжаобод* (Нор.т.), *Бекобод* (Янги.т.), *Мирзаобод* (Чуст т.), *Бойқишлоқ* (Чор.т.), *Хўжақўрғонча* (Нор. т.), *Хонобод* (Нам. т.), *Бекобод* (Янги. т.); шаҳар номи: *Тўрақўрғон* каби.

